

«Муҳаммад алайҳиссаломнинг тараннуми» ёхуд Гёте мусулмон бўлганми?



19:00 / 25.12.2018 4256

Ғарб дунёсининг энг буюк адибларидан Вольфганг фон Гёте: «Инсоният ҳар жиҳатдан Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олдида қарздордир», деб ҳам замондошларини, ҳам XX аср Оврўпасини ҳайратда қолдирган эди. Гёте Ислом ва унинг буюк Пайғамбарига нисбатан фавқулодда бир яқинлик кўрсатган ва бу ҳиссиётини 23 ёшларидан бошлаб сўнгги кунларигача, ҳатто сўнгги нафасига қадар очиқ-ойдин изҳор қилган эди.

Дунёда Исломга энг яқин ва одилонга ўлчовлар билан ёндошган миллат олмон миллатидир. Бу алоқа, шубҳасиз Гётедан бошланган. Ундан анча олдин Лайбниц, Лессинг, Ҳербел каби файласуф ва адиблар ҳам илмий ва холис ўлчовлар ила Исломни тадқиқ қилганлар. Бироқ Гётенинг ўрни буткул ўзгача эди. Унинг ислом ҳақида илгари сурган тушунчаларини ташқаридаги исломга уйғун бир кишининг эмас, балки бу динга мансуб кишининг фикрлари сифатида қабул қилиш керак. Гётенинг Исломга нисбатан самимий ҳурмати унинг «Ҳазрати Муҳаммаднинг тараннуми» номли асари билан бошланади. У «Фауст»дан кейин энг буюк асар деб танилган «Шарқу Ғарб девони»да яққол намоён бўлди. Зотан, ёзувчи Қуръон нозил бўлган муборак Қадр кечасини алоҳида нишонлаганини ҳам тап тортмай эътироф этган. Гёте Ислом билан илк бор 23 ёшида – Қуръони каримнинг янги таржимасини ўқиш билан танишди.

Қуръоннинг илк лотинча таржимаси 1422 йилда Базелда, Теодор Библиандер томонидан амалга оширилган ва Мартин Лютернинг сўзбошиси билан нашр этилган эди, Бу таржима Қуръоннинг асл матнидан жуда узоқлигига ва ифодада жуда кўп хатолар борлигига қарамай, Гётени хайратда қолдирган ва у шундай деган эди:

«Қуръон китобларнинг китоби эканлигига исломий важиба (бурч) туфайли ишонаман».

Гёте ўқувчилари ва тингловчиларига Ислом инсоннинг фитратига энг уйғун дин эканлигини ҳамиша айтиб юрарди. Унинг қуйидаги сўзлари диққатга сазовор:

«Аллоҳ бирдир. У нуқсонсиз, сомаддир: У тугмади, туғилмади».

Маълумки, бу ифодалар Қуръондаги Ихлос сурасига оид таржиманинг айнисидир.

Гёте 1820 йилда келинининг касаллиги туфайли тортган изтиробини бир дўстига ёзган хатида бундай ифодалаган эди:

«Бу ўринда ҳам ўзимни Исломда тутишдан бошқа чорам қолмаяпти».

Гётенинг тақдир ҳақидаги тушунчалари ҳам исломийдир. «Устига номим ёзилмаган ўқ менга тегмайди», дейди унинг қаҳрамонларидан бири.

«Аллоҳнинг изни бўлмасдан томдан бир чумчуқ ҳам тушмайди», деган сўзлар ҳам Гёте қаламига мансубдир.

Гёте ўлимидан бир йил олдин Эккерманга бундай деган:

«Суюкли ўғлим, улуҳийят фикридан бизнинг нечоғлик ҳам хабаримиз бор?! Бизнинг тор тасаввурларимиз у улуғ борлиқдан нималарни ҳам англата оларди? Бир турк каби Аллоҳни юз исми билан таъбир этсам ҳам, барибир у сўнгсиз қудрат олдида ҳеч нарса сўзламаган бўламан».

Гёте 1832 йилнинг 22 мартада ҳаётдан кўз юмди. Вафотидан олдин кўли билан кўксига тинмай «W» ҳарфини «чизар» эди. Лео Кеттер бу ҳолатни изоҳлаб, «W» Гётенинг илк исми бўлган Вольфгангга ишора, деб тушунтиради. Аммо шу нарса маълумки, Гёте Қуръон ҳарфларини ўрганиш учун узоқ муддат машқ қилган ва «Аллоҳ» лафзини арабийда жуда яхши ёза олган.

Ўлим олдидан кўп насоролар кўксиларига қўллари билан хоч расмини «чизишади», Гёте эса бунинг ўрнига «Аллоҳ» лафзини ёзган, деб ўйлаймиз. (Маълумингизки, «Аллоҳ» лафзининг бошидаги алиф бўлмаса ҳам, маъно ўзгармайди ва «лиллаҳ» ёзуви пайдо бўлади, унинг ёзилиши эса, «W» ҳарфига айнан ўхшашдир).